

# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2020 йил — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2020 йил 30 июль, № 159 (7661)

Пайшанба

Сайтимиға ўтиш учун QR-кодни телефонингиз арқали сканер қилинг.



## ДУНЁ НИГОҲИ

### Ўзбекистоннинг Афғонистонни ижтимоий-иқтисодий тиклаш борасидаги саъй-ҳаракатлари АҚШда юксак эътироф этилди

Американинг етакчи илмий-тадқиқот маркази — Америка Қўшма Штатлари Тинчлик институти (USIP)да "Афғонистоннинг тинч келажаги: Марказий Осиёни қўллаб-қувватлаш" мавзусида онлайн анжуман ўтказилди.

Авалло, USIP ҳақида қисқача маълумот бериб ўтсак. У Президент Рональд Рейган ташаббуси билан 1984 йилда ташкил этилган мустақил таҳлил маркази бўлиб, низоларнинг олдини олиш ва уларга ечим топиш, тинчлик ҳамда барқарорлиқни таъминлаш масалаларини ўрганади. Муассаса фаолияти АҚШ Конгресси томонидан молиялаштирилади. Ташкилот АҚШ Президентини тайинлайдиган 12 кишилик Директорлар кенгаши томонидан бошқарилади. Шунингдек, унинг таркибига Давлат котиби, мудофаа вазири ва Миллий мудофаа университети президенти киради. Шу нуқтаи назардан ҳам у жуда юксак мавқега эга.

Афғонлар томонидан музокараларини ривожлантириш истиқболлари, Афғонистонни ижтимоий-иқтисодий равишга қайтариш, мамлакатнинг минтақавий жараёнларга интеграциялашуви, коронавирус пандемиясини аммолига қарши курашда уни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, ушбу жараёнларда Марказий Осиё давлатларининг ўрни каби масалалар тадбирнинг асосий мавзуси бўлди.

Анжуман "Youtube" канали орқали тўғридан-тўғри эфирга узатилди. Унда 300 дан ортиқ расмий ва ишбилармон доиралар, илмий марказлар, но-

давлат ташкилотлар, дипломатик корпус вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари масофадан туриб иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон, Қозғистон ва Афғонистоннинг АҚШдаги элчилари, АҚШнинг Афғонистондаги ярашиш масалалари бўйича махсус вакили Залмай Халилзода маъруза қилди.

Конференцияда Ўзбекистон томонидан Афғонистон инқирозини ҳал қилиш, Қобул ва мамлакатнинг асосий ички сиёсий кучлари ўртасида тинчлик музокаралари жараёнини илгари суриш бўйича амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар тўғрисида маълумот берилди. Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2018 йил март ойида Тошкентда Афғонистон масалалари бўйича ўтказилган конференция ва унда қабул қилинган декларациянинг аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилди. Мазкур нуфузли анжуман халқаро ҳамжамиятнинг Афғонистонда барқарорликка эришиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари ва ёндашувларини бирлаштириш, шунингдек, "Қобул жараёни"ни жонлантиришга янги туртки бергани эътироф этилди.

Ўз навбатида, Ўзбекистоннинг Афғонистонни ижтимоий-иқтисодий тиклаш борасидаги саъй-ҳаракатлари оид маълумотлар ҳам тадбир ишти-

рокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Хусусан, транспорт ва энергетика инфратузилмаси лойиҳаларини амалга ошириш истиқболлари, савдо-сотиқни ривожлантириш, Афғонистоннинг Марказий Осиё минтақасидаги иқтисодий жараёнларга интеграцияси масалалари муҳокама қилинди.

Афғонистоннинг АҚШдаги элчиси Роя Раҳмоний Афғонистон инфратузилмасини ривожлантиришда Марказий Осиё давлатларининг ролини таъкидлаб, айниқса, бугунги пандемия даврида Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасидаги темир йўл муҳим аҳамиятга эга эканига урғу берди.

Ўзбекистон ва Афғонистонни темир йўл боғлаб туради. Унинг ҳар кунлик фаолияти пандемияни бартараф қилишда алоҳида ўрин тутмоқда. Афғонистон ушбу темир йўл мавжудлиги тўғрисида Ўзбекистон ва Қозғистон орқали Хитойга махсулот етказиб беришга муваффақ бўлапти, — деди афғонистонлик дипломат.

Анжуманда, шунингдек, электр энергияси таъминотида Марказий Осиё мамлакатлари билан яқин ҳамкорлик мавжудлиги қайд этилди. Маълумки, Ўзбекистон "Сурхон — Пули-Хумри" электр узатиш линиясини қуриш бўйича йирик инфратузилма лойиҳасини амалга оширишда қатъий интеграцияси жараёнларини қўллаб-қувватлаш тарафдори эканини яна бир бор таъкидлади. Шу нуқтаи назардан, у Ўзбекистон билан ўзаро ҳамкорлиқнинг уч томонлама формати муваффақиятли бошланганини қайд этди.



Иштирокчилар Афғонистонда инсон салоҳиятининг аҳамияти тўғрисида яқдил фикр билдиришди. Шу нуқтаи назардан, Термиз шаҳридаги Таълим марказининг роли долзарб бўлиб, унда афғон ёшлари олий ва касб таълимнинг турли йўналишлари бўйича тахсил олиш имкониятига эга.

Залмай Халилзода Афғонистоннинг ривожланишини барқарор тинчликнинг асосий омилли сифатида қўллаб-қувватлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар доирасида ушбу давлатнинг Марказий Осиё минтақаси билан иқтисодий интеграцияси жараёнларини қўллаб-қувватлаш тарафдори эканини яна бир бор таъкидлади. Шу нуқтаи назардан, у Ўзбекистон билан ўзаро ҳамкорлиқнинг уч томонлама формати муваффақиятли бошланганини қайд этди.

Анжуманда мамлакатимизнинг АҚШдаги элчиси Жавлон Ваҳобов қатнашди. Эслатиб ўтиш жоиз, жорий йилнинг май ойида "Ўзбекистон — Афғонистон — АҚШ" уч томонлама шаклда илк бор ўтказилган вазирилар учрашуви яқунлари бўйича эришилган келишувларни амалга ошириш доирасида ушбу форматдаги иқтисодий масалалар бўйича ишчи гуруҳининг йилги таълим ташкил этилган эди. Мулоқотда Афғонистонни иқтисодий тиклаш масалалари, транспорт, энергетика, савдо, қишлоқ ҳўжалиги, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги ҳамкорлиқни кенгайтиришнинг амалий жиҳатлари атрофида муҳокама қилинганди.

Шавкат ОРТИКОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

## Олий Мажлис Сенати

### ВАЗИРЛИК АХБОРОТИ ОНЛАЙН МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Кеча Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси томонидан парламент юқори палатасининг навбатдаги ялпи мажлисида кўриб чиқишли назарда тутилган Ташқи ишлар вазирлигининг жорий йил биринчи ярим йилликдаги фаолияти юзасидан ахборотнинг онлайн муҳокамаси бўлиб ўтди. Унда Сенат аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, маҳаллий Кенгашлар депутатлари ва ҳокимликлар мутасаддилари иштирок этди.

Тадбирда ташқи ишлар вазирининг ўринбосари И. Неъматов вазирлик томонидан амалга оширилган мақсадли вазифалар ижроси юзасидан маълумот берди. Давлатимиз рўзбари томонидан худудлар ривожланиши борасида белгилаб берилган устувор йўналишларда ташқи алоқалар ва ташқи иқтисодий ҳамкорлик имкониятларидан кенг ҳамда самарали фойдаланишда вазирликнинг амалга оширилган ишлари муҳокама марказида бўлди. Хусусан, вазирлик кўмаги билан мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалиги, саноат, қурилиш, фармацевтика, таълим, маданият ва бошқа соҳаларда 3 миллиард АҚШ долларидан ортиқ микдордаги инвестиция ҳамда кредитлар ўзлаштирилди. Пандемия шароити боис хорижий давлатларда қийин аҳволда қолган минглаб ватандошларимиз Ўзбекистонга қайтарилди.

Бундан ташқари, республикамиз худудлари вакиллари томонидан аниқ ва долзарб тақ-

«Халқ сўзи».

## ХАЛҚ МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛИШ — УСТУВОР ВАЗИФА

Янги сайланган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг фаолиятига ҳам ярим йил бўлди. Парламент қўмиталари учун амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиш, дастлабки хулосалар чиқариш ҳамда ўз режаларига аниқлик киритиш вақти келди.

### Сарҳисоб

Шу ўринда таъкидлаш керак. Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси ўз фаолиятини режа асосида ташкил этиб бормоқда.

Чунинчи, қонун ижодкорлиги йўналиши бўйича қўмита томонидан жорий йилнинг 6 ойида 10 та қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасида қабул қилишга тайёрланди. Қайд этиш жоиз, ҳар бир қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида нафақат мутасадди вазирлик ва давлат идораларининг тақлифлари, сиёсий партиялар фракцияларининг позициялари, балки жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилиши натижалари ҳамда тегишли жамоат ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилотларининг фикр ҳамда тақлифлари ҳам инобатга олинди.

Эътиборлиси, қабул қилинган қонунлар қаторида мамлакатимизда узоқ вақтдан бери яшаб келаётган, лекин Ўзбекистон фуқароси ҳуқуқий мақомига эга бўла олмаётган 50 мингга яқин шахсларнинг ушбу муаммосини ҳал этишга қаратилган "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида"ги Қонун ҳам бор.

Ўтган давр мобайнида қўмита томонидан маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг ишончли ҳимоясини таъминлашга қаратилган қонун лойиҳаси ҳам тайёрланди. Хусусан, Жиноят-ижроия қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси доирасида ишлаб чиқилган ушбу қонун маҳкумларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлашга, уларни рағбатлантиришда жамоатчилик ро-

лини оширишга, вояга етмаган маҳкумлар ва маҳкума аёлларга қўшимча ҳуқуқлар беришга қаратилган нормаларни қамраб олгани билан эътиборга молик.

Шу билан бирга, қўмита томонидан халқаро шартномаларни ратификация қилиш ва уларга қўшилши юзасидан 2 та қонун лойиҳаси ҳам Қонунчилик палатасида кўриб чиқиш учун тайёрланди.

Маълумки, парламент қўйи палатасининг мутлақ ваколатларига сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги у ёки бу масалалар юзасидан муҳим қарорлар қабул қилиш ҳам киради. Шу йилнинг апрель ойида Қонунчилик палатаси томонидан Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ҳамкорлигига оид масалани ўрганиш жараёнида ҳам қўмита бевосита иштирок этди. Жумладан, қўмита томонидан халқаро ҳамкорлик ҳамда мудофаа ва хавфсизлик масалаларига оид миллий қонунчилик базаси, ушбу иттифоққа оид шартнома ҳамда тегишли ҳужжатлар ўрганилди, иттифоққа аъзо бўлган давлатлар билан Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмаси тўғрисидаги божхона статистикаси маълумотлари таҳлил қилинди, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари иштирокида муҳокамалар ўтказилди. Ўрганиш натижалари асосида қўмитанинг тегишли хулосаси тайёрланди, Қонунчилик палатасида ушбу масала бўйича тузилган ишчи гуруҳга тақдим этилди.

## ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ

### ПАНДЕМИЯ САЛБИЙ ОҚИБАТЛАРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МЕХАНИЗМИ

Бугун барчамиз дунёда коронавирус пайдо бўлиши инсоният саломатлиги учун хавф тудираётгани ва қўллаб-қувватлашнинг иқтисодий ҳамада бизнесига жиддий таъсир кўрсатаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Экспертларнинг фикрича, туризм, авиация сектори, автомобиль саноати, ноозиқ-овқат маҳсулотлари савдоси каби соҳалар бундан энг кўп зарар кўради.

Мамлакатимиз ҳақида гап борар экан, шу йилнинг март ойидан бошлаб, асосий савдо шерикларимиз ҳисобланган давлатларда коронавирус пандемиясига қарши курашиш бўйича чораларнинг қулайлиги, нефть нархи ва талаб пасайиши натижасида иқтисодий ўсиш ҳамда фаоллик кўрсаткичлари суяйиши кузатишмоқда. Биринчи ярим йилликда Ўзбекистон экспорти тахминан беш баробар камайганини таъкидлаб ўтган бўлардик.

### Имтиёз ва имконият

Иқтисодий фаолликнинг пасайиши, биринчи навбатида, банк тизими орқали амалга оширилаётган транзакциялар соҳида акс этди. Хусусан, 2020 йил март ойида банкларро тўлов тизими орқали амалга оширилган транзакциялар соҳида йилнинг шу давридаги нисбатан 6 фоиз пасайди. Ўзбекистон Республикаси товар-хон ашё биржасида келишувлар сезиларли даражада камайди.

Иқтисодий ҳаётда кредитлаш фаоллигининг пасайиши тенденцияси кузатишмоқда. 2020 йил январ — апрель ойларида тижорат банклари томонидан ажратилган кредитлар қолдиқларининг иқтисодиётда ўсиш суръати ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан 3,5 фоиз бандга секинлашиб, 7 фоизни ташкил этди. Карантин чорала-



ри аҳоли даромадларига ҳам таъсир кўрсатмай қолмади. Ўз навбатида, иқтисодий фаолликнинг суяйиши ва аҳоли даромадларининг камайиши ички талаб сезиларли даражада пасайишини юзага келтирмоқда. Буни энг зарур товарлар гуруҳига кирмайдиган маҳсулот ҳамда хизматларга бўлган талабнинг камайиши бевосита кўрсатиб турибди.

Пандемия шароитида амалга оширилаётган ишлар самардорлиги хусусида сўз юритиб, шуни алоҳида таъкидлардикки, мамлакатимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш пандемия салбий оқибатларининг иқтисодиётга таъсирининг олдини олиш механизмига айланди. Хусусан, Ўзбекистонда бизнес учун солиқ ва бошқа имтиёзлар кўзда тутилган, жумла-

дан, кредитлар тўловини ҳамда солиқлар ажратмаларини кенчиктириш учун жарималар бекор қилинди. 2020 йил 1 июлдан 2020 йил 31 декабрга қадар умумий оватқатлиш корхоналари ва биноларни ижарага беришга ихтисослаштирилган корхоналар айланмадан олинмайдиган солиқни тўлашдан озод этилади.

Бундан ташқари, 2021 йил 1 июлга қадар умумий оватқатлиш корхоналарига истеъмолчиларга оватқатлиш хизматларини кўрсатиш учун ўзларига туташ бўш ер участкаларида енгил конструкцияларни бепул жойлаштириш ва қуриш ҳуқуқини берувчи тартиб ўрнатилмоқда.

## ПАНДЕМИЯ ТУФАЙЛИ ҚЎМИТА РЕЖАСИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИЛДИ

Халқаро алоқалар ва парламентлараро ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш ҳозирги вақтда Қонунчилик палатаси фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб келмоқда. Зеро, айнан халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ва фаол ташқи сиёсат юритиш орқали мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ривожланишига, унинг халқаро майдондаги нуфузини янада юксалтиришга эришиш мумкин.

### Таҳлил

2017 — 2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда, Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси ўз фаолиятини бир неча йўналишларда олиб борди. Жумладан, қонун ижодкорлиги фаолиятини олиб қарайдиган бўлсак, қўмита аъзолари қўйи палата томонидан кўриб чиқилиб, қабул қилинган бир қатор қонун лойиҳаларини маромига етказишда фаол ишлади. "Халқаро хусусий ҳуқуқ бўйича (Гаага, 1951 йил 31 октябрь) Гаага конференцияси Уставини ратификация қилиш тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳалари шулар жумласидандир.

Шунингдек, қўмита бир қатор норматив ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда уларга тақлифлар тайёрлашда ҳам иштирок этди. Жумладан, илк марта қўмита томонидан Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси ҳамда Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти билан биргаликда "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида" "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2006 йил 13 декабрда қабул қилинган Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция нормаларига мослиги ўрганилди, шу асосда қонун лойиҳасига киритиш учун амалий тавсиялар ишлаб чиқилди. Бундан ташқари, "Марказий Осиё мамлакатлари парламентлараро дўстлик гуруҳининг концепцияси" лойиҳаси ишлаб чиқилиб, ҳозирда келиши учун Марказий Осиё мамлакатлари парламентларига юборилди.

«Халқ сўзи».

## АЁЛЛАРНИНГ ИШБИЛАРМОНЛИК ҚОБИЛЯТИ — ТАРАҚҚИЁТ УЧУН МУҲИМ РЕСУРС

Хотин-қизлар орасида тадбиркорликни ривожлантириш ҳақон миқёсида давом этаётган муҳим жараёнлардан бири ҳисобланади. Жумладан, кластер усулидаги аёллар тадбиркорлигига алоҳида эътибор бераётган мамлакатларда кичик ва ўрта бизнеснинг ялли ички маҳсулот (ЯИМ)даги улуши сезиларли ортмоқда.

### Гендер тенглик

Мутахасссларнинг фикрига кўра, айнан хотин-қизлар тадбиркорлигининг салоҳияти ҳақон ялли ички маҳсулотини икки баробар ошириши мумкин. "Boston Consulting Group"

компанияси экспертлари ҳам айнан шундай хулосага келди. Улар ўтказган тадқиқот маълумотларида айтилишича, агар тадбиркор аёллар соҳи эркак бизнесменлар сонига тенг

бўлганида, ҳақон иқтисодиёти ҳажми 2,5 триллион доллардан 5 триллион долларга ошган бўларди. Кейинги йилларда давлатимиз раҳбарияти томонидан хотин-қизлар иқтисодий имкониятларини кенгайтириш ва гендер тенглигини таъминлаш учун қонунчилик негизини мустаҳкамлаш, шунингдек, институционал базани шакллантириш борасида муҳим қадамлар қўйилди.

«Халқ сўзи».

## «Яширин ИҚТИСОДИЁТ»НИНГ «ОЁГИГА БОЛТА УРИШ»ГА ТАЙЁРМИСИЗ?

Агар мамлакатда солиқлар оширилиб, тадбиркорлик субъектлари ёки бошқа турдаги фаолият турлари учун лицензия, сертификат ва рухсатномалар олишда кўзда тутилмаган харажатлар кўпайса, хон ашё олиш учун ҳўжатларни расмийлаштиришда турли тўсиқ ҳамда қийинчиликларга дуч келинаверса, бу омиллар «яширин иқтисодиёт»га йўл очади.

### Мулоҳаза

Одамлар олди-берди қилишда мавжуд қонун-қоидаларни четлаб ўтиб, иқтисодий алоқаларининг давом эттиришга урина бошлайдилар. Натижада «хуфийна иқтисодиёт»нинг

«тегирмони»га сув қуювчи «ишбилармон»лар кўпаяди. Уларнинг қўлида ишлайдиган фуқароларнинг эса ҳуқуқлари тўлақонли таъминланмайтиди ва бу уларнинг даромади пасайи-

«Халқ сўзи».

## УЙДА ҚОЛИНГ!



# АЁЛЛАРНИНГ ИШБИЛАРМОНЛИК ҚОБИЛИЯТИ — ТАРАҚҚИЁТ УЧУН МУҲИМ РЕСУРС

Бугунги кунда аёллар меҳнатга лаёқатли ва иқтисодий жиҳатдан фаол аҳолининг катта қисмини ташкил этиши инобатга олинб, Хукуматимиз хотин-қизлар тадбиркорлигини мамлакатимиз иқтисодий тараққиёти учун энг муҳим ресурслардан бири сифатида кўриб чиқмоқда.

Ижтимоий соҳага йўналтирилган бизнес, яъни болалар ва ёшларни ҳар томонлама ривожлантириш ҳамда уларга таълим бериш соҳасидаги лойиҳаларнинг 90 фоизи айнан хотин-қизлар томонидан амалга оширилганлиги муҳим жиҳат ҳисобланади. Иқтисодиётда хотин-қизлар тадбиркорлиги улуғлини ошириш мақсадида уларга оилавий ва хусусий тадбиркорликни ташкил этиш учун имтиёзли кредитлар берилмоқда. Шунингдек, аёллар тадбиркорлигини моддий ҳамда ташкилий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда ҳамкорлик олиб борилмоқда.

Маълумот мавжуд эмас. Хусусан, бугунги кунда содир бўлаётган ҳудудий ва глобал интеграцион жараёнлар, миллий эҳтиёжлар ҳамда устувор мақсадларни ҳисобга олган ҳолда, тадбиркор аёлларнинг турли тараққиёт йўналишлари қўшган ҳиссасига баҳо бериш, аёллар тадбиркорлигини янада ривожлантириш керак бўлган соҳаларни аниқлаш имкони йўқ.

Тадбиркорлик соҳасида гендер статистикаси мавжуд эмаслиги сабабли хотин-қизлар тадбиркорлиги салохиятига баҳо бериш ва уни бошқа мамлакатларда аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш тенденцияри билан таққослаш мумкин эмас. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон кўп йиллардан бери "Аёллар тадбиркорлиги" глобал индексида иштирок этмапти.

Хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантиришга комплекс ёндашув, аёллар томонидан бошқариладиган корхоналарни қўллаб-қувватлаш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, уларга ахборот, бозор, таълим ҳамда молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятини бериш ва бизнес фаолиятини аёллар орасида фаол оммалаштириш мақсадида Хотин-қизлар тадбир-

корлигини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш тузилди.

Ушбу тузилма доимий фаолият юритувчи маслаҳат органи бўлиб, давлат ва хусусий сектор ўртасида ҳамкорлик механизмларини кучайтириш ҳамда тараққиёт бўйича ҳамкорлар ва фуқаролик жамияти институтлари билан хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича очик мулоқоти таъминлаш мақсадида экспертлик, ахборот ҳамда маслаҳат таъминоти учун ташкил этилди.

Кенгашнинг асосий мақсади давлат дастурларида гендер ёндашувларни жорий этиш йўли билан гендер тенгликка қўмақлашиш ва қонун ижодкорлиги фаолиятининг барча босқичида гендер таълими амалга ошириш, шунингдек, кичик ҳамда ўрта бизнесни ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича тақлифлар кiritишдан иборат. Қолаверса, ишбилармон аёлларни қўллаб-қувватлаш борасида очик мулоқот, илгор тажриба, сиёсат ҳамда дастурлар алмашинувиغا қўмақлашиш, мавжуд муаммолар, хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантиришдаги мазмурий тўсиқларни бартараф этишга қаратилган тақлифлари ўрганиш,

тахлил қилиш, умумлаштириш ҳам унинг фаолияти йўналишларидан ҳисобланади.

Шунингдек, тадбиркор аёлларнинг аниқ эҳтиёжларини, шу жумладан, капитал ресурсларини, бозорлардан фойдаланиш, устуллик қилиш, ўқиб-ўрганиш, етакчилик ва алоқалар ўрнатish бобидаги хабардорлигини ҳамда тушунчасини ошириш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришнинг тартибга солишчи мейёрлик-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик гендер экспертизасини ўтказиш билан ҳам шуғулланади. Янги тузилма ижтимоий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда тадбиркор аёлларнинг давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишда ва давлат хараидлари тизимида қатнашишини таъминлаш борасида ҳам иш олиб боради.

Янги тузилмада иштирок этишга минтақавий ҳамда халқаро ташкилотлар, хотин-қизлар ташкилотлари вакиллари, тадқиқот институтлари ва бошқа манфаатдор томонлар тақлиф этилади. Кенгаш аъзолари хотин-қизлар тадбиркорлиги муаммолари ҳамда аёллар иқтисодий имкониятларини кенгайтириш бўйича очик мулоқот-

ни кучайтиришга қўмақлашади. Кенгаш мажлислари видеоконференция шаклида, ҳар чоракда камидан бир марта, барча аъзоларнинг камидан 70 фоизи иштирокида ўтказилади.

Жорий йилда эса ушбу кенгаш "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тўғрисида"ги қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида "аёллар тадбиркорлиги" тушунчасини қонунчиликда мустақамлаш, ЕТБ дастурининг Ўзбекистонда гендер ёндашувларини ҳисобга олган ҳолда, инвестицион муҳитни таҳлил қилиш бўйича базавий тадқиқотни ўтказиш тўғрисидаги тақлифини кўриб чиқиш ва Хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича миллий дастурни ишлаб чиқишни режалаштирган. Ўз навбатида, Давлат статистика қўмитаси ҳамкорлигида тадбиркорлик соҳасида гендер нуқтани назардан табақалаштирилган маълумотларни йиғиш ва таҳлил этиш ҳамда уларни кейинчалик [www.gender.stat.uz](http://www.gender.stat.uz) сайтида эълон қилиш имкониятларини кўриб чиқиш, Марказий банк қўмитаси Молиявий мақбулликни таъминлаш ва молиявий саводхонликни ривожлантириш бўйича миллий стратегия ишлаб чиқишда гендер тенглигини илгари суриш масаласини муҳокама қилиш ҳам кўзда тутилмоқда.

**Носирбек АБДУЛЛАХОНОВ,**  
**Олий Мажлис Сенатининг**  
**Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси ўринбосари.**

## COVID-19 ДОЛЗАРБ САВОЛЛАРГА АНИҚ ЖАВОБЛАР

— Коронавируснинг оғир шакли билан касалланиб тузалган беморларда, асосан, қанақа кўринишдаги аломатлар сақланиб қолмоқда?

— Коронавирус инфекциясининг оғир шакли билан касалланиб тузалган беморларда, асосан, қанақа кўринишдаги аломатлар сақланиб қолмоқда? — Коронавируснинг оғир формаси билан касалланиб тузалган беморларда қанақа асоратлар қолиши кузатишмоқда? — Тасдиқланмаган манбаларда корона-вирусдан даволангандан сўнг мия емирилиши, бепуштлик каби асоратлар қолади, деган маълумотлар тарқалмоқда.

Касалликнинг тиббий патогенези билан танишмаган ҳолда бундай гапларни тарқатиш ноўрин. Коронавируснинг энгил шаклини бошдан кечирган беморларда касалликдан тузалгандан кейин деярли асоратлар кузатишмайпти.

— Агар тез тиббий ёрдам ходимлари чакрилганда корона-вирус билан касалланган беморни кўришдан бош тортса, биз кимга ва қаерга мурожаат қилишимиз керак?

— Тез тиббий ёрдам хизмати беморда қайси касаллик бўлишдан қатъи назар, биринчи ёрдам кўрсатиши шарт. Агар бу хизмат томонидан беморга ёрдам кўрсатишдан бош тортилса, ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқармалари "Ишонч телефони"га мурожаат қилиш мақсадга мувофиқ.

— Бугунги кунда одамлар интиқилиб қанақа кутаётган янгиликлардан бири, шубҳасиз, корона-вирусга қарши вакцина яратилиши билан боғлиқ. Бу борадаги энг сўнгги маълумотлар ҳақида нима дея оласиз?

— Бугунги кунда дунёнинг турли мамлакатларида олимлар томонидан пандемиянинг келиб чиқишига сабаб бўлган корона-вирус инфекциясига қарши 300 хилдаги вакцина синовдан ўтказилмоқда ва бу борадаги изланишлар яқин кунларда низоҳисига етади. Вакциналарни синининг клиникага чадан фазада бугунги кунда тугалланган бўлиб, энди уларни текширишнинг клиник фазасига ўтишдан иборат бўлиб, биринчи фазада бир неча одамда, иккинчи фазада ҳар хил ёшдаги гуруҳларда, яъни болалар, ўрта ёшлар ва кексаларда ўтказилади. Ва ниҳоят учинчи фазада миңдан ортиқ одамлар синовдан ўтказилади. Вакциналарни тезлик билан синовдан ўтказишнинг ўзи 6 ой вақтни олади. Шу вақт давомида иммунизация қилинган инсонларда вакцинанинг самарадорлиги ва ноҳия таъсирлари ўрганилади.

— Аввалги карантин вақтида кўча-кўй мунтаза дезинфекция қилинган эди. Ҳозир кунга 400 — 500 та касалланганлар аниқланганга қарамай, нега кўчалар ва кўп қаватли уйларнинг кириш қисми деярли дезинфекция қилинмапти?

— Коронавирус инфекциясини тарқатишнинг олдини олиш мақсадида ҳозирги кунда ҳам кўчаларда, бозорлар, супермаркетлар атрофида, аҳоли яшаш жойларида, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда жорий ҳамда якуний дезинфекция ишлари ўтказилмоқда. Қолаверса, шанба ва яқинда кунлари бозорлар дезинфекция ишлари ўтказиш учун ёпилимоқда.

— Агар нафас олиш қийинлашса, тез ёрдамга қўнғир қилиб тушолмасак, нима қилиш керак?

— Сифатли ва ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатилишини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳридаги 64 та оилавий поликлиника

## Замон қаҳрамони

Коронавирус бутун дунёни жиддий хавотирга солди. Ҳуртимизда бу вирус аниқланган дастлабки кунлардан бошлаб, унга қарши кескин кураш тадбирлари ишлаб чиқилди. Айниқса, тиббиёт ходимлари "жанг майдони"да саросимага тушмади...

## НАФЪНИНГ АГАР ХАЛҚҚА БЕШАҚДУР...

Қорақалпоғистон Республикасида бу "кўринмас ёш"га қарши 70 дан ортиқ шифокорлар, 13 минг 330 га яқин тиббиёт ходимлари аёвсиз кураш олиб борапти.

Ана шундай фидойи шифокорлардан бири, тиббиётда 23 йиллик тажрибага эга олий тоифали инфекционист Жумагул Бостановдир. У Қорақалпоғистон Республикаси юқумли касалликлар шифохонасида ишлайди. 4 июлдан буён эса Нукус туманида коронавирга чалинган беморларни даволашда иштирок этмоқда.

— Бу офат бошланганидан бери иккинчи марта карантинга қатнашганим, — дейди Ж. Бостанова. — Шу пайтгача оздан зиёд беморларни даволаб, соғайтириб чиқардик. Дарддан инсонга тиббий усуллар, дори-дармон билан бирга, биринчи навбатда, шифокорнинг ширин сўзи, маънавий-руҳий қўллаб-қувватлаш жуда зарур. Чунки ўзида касаллик борлигини билган одам "Энди нима бўлади, уйим, болаларимнинг ҳоли нима кечади?" дея қўрқув ва ваҳимага берилиб, умидсизликка тушади. Ҳар ҳолда шундайларни кўряптим. Бундай пайтда, ҳали айтганимдек, яхши сўз билан сийлаб, ёруғ кунларга умид ўйготсак, марра бизники. Бу билан бемор 50 — 60 фоиз даволанган ҳисобланади. Қолгани тиббиётнинг иши.

Бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Коронавирус билан касалланган ҳимоядор аёлни олиб келишди. Бир-икки кундан сўнг дарди тутиб қолди. Ўз ишининг устаси бўлган туғуруқ шифокори Пердегул Ёмбергенова ёрдами билан барча тиббий талабларга амал қилган ҳолда, туғуруқ жараёнини муваффақиятли ўтказдик. Ҳар томонлама соғлом кизалоқ фарзанд дунёга келди. Корантин даврида бемор аёлнинг ўзи ҳам пухта даволаниб, касалдан фориг бўлган, уйига руҳсат берилди. Онанинг хурсандлигини кўрсангиз эди! Шундай пайтларда биз ҳам қувонча тўлаимиз. Беихтиёр улуг мутафаккир Алишер Навоийнинг "Нафнинг агар халққа бешақдур, Билки, бу нафъ ўзунга кўрақдур", деган мисралари хаёдан ўтади. Халққа нафимиз тегаётган экан, аввало, бу ўзимиз учун кўпроқ фойда эканлигини англаб, яхшилик, албатта, бир кун улкан мукофот бўлиб, ўзимизга қайтишидан кўнглимиз чарғоланмапти.

Шифокордан "Карантин пайтида беморларни даволаш жараёнида уйингиздан ийрқода бўласиз, оилангизни ўйлаганда хаёлингиздан нималар кечади?" деб сўрадик.

— Уч фарзандим бор, — дейди у. — Умр йўлдошим ҳарбий. Оиламдагилар ҳозирги вазиятни тўғри тушунишди. Мен улар учун қўйурсам, қайтганга улур менга таскин беришади. "Ой, карантинга яхши овқатлан, ўзингизга қаранг, сиз шифокорсиз, ҳар томонлама тахт бўлмасангиз, беморларни қандай даволайсиз?!" деб куюнишади. Бундан қувонаман. Хуллас, оиламдан кўнглим тўқ...

Айтиш мумкинки, Нукус туманида коронавирнинг пайини қирқидиша даволаш ишлари пухта ташкил этилмоқда. Этан, бу ерда Жумагул Бостановнинг Бахт Бекеева, Салтанат Жолдасбаева каби ҳамкасблари, фидойи шифокорлар ишламоқда.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ**  
(«Халқ сўзи»)

# АДОЛАТ КЎРҒОНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Инсон борки, дунёда адолат истаб яшайди, ўз ҳуқуқи учун курашади. Бу ҳаётнинг моҳиятига айлиб боради. Шу боис ҳуртимизда амалга оширилаётган барча ислохот, аввало, халқ манфаатлари ҳамда адолатни таъминлашга қаратилган. Суд-ҳуқуқ соҳасидаги туб ўзгаришлар ҳам ана шундан адолат.

## Муносабат

Президентимизнинг "Судлар фаолиятини янада тақимлаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони тизимда олиб борилаётган ислохотларнинг мантқиқий давоми бўлди. Ҳужжатда суд тизимини тақимлаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга қаратилган бир қатор ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар назарда тутилган.

Вилоят даражасидаги фуқаролик, жиноят ва иқтисодий судлар биллаштирилиб, уларнинг негизини судьяларнинг қатъий иқтисослаштиришга сақлаб қолган ҳолда ягона умумюрисдикция судлари ташкил этилишининг аҳамияти катта.

Ҳўш, бу нима беради?

Эътибор қилинг, ҳозирги кунда ҳар бир вилоят судида 4 тадан 15 тагача судьялар фаолият юритяётган бўлса, янги ташкил этилаётган умумюрисдикция судларида 19 тадан 47 тагача судья ишлайди. Бунга асосий сабаб вилоят судларида судьялар сонининг камлиги ишларнинг бир вилоятдан иккинчисига олиб берилишидир.

Табиики, бундай ҳолат фуқаролар ҳамда инвесторлар учун ноқулайлик ва қийинчилик туғдиради. Ягона умумюрисдикция судлари фаолияти йўлга қўйилса, фуқароларнинг ортиқча сарсонгарчилиги, инвесторларнинг вақти ҳамда харажатлари сарфланишининг олди олинади.

Бундан ташқари, судда ишларни кўришда инсон ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тарафларнинг тортишувчанлик тамойилини амалда рўёбга чиқариш мақсадида жиноят ишлари бўйича судларда дастлабки ишитув институти жорий этилаётган бўлди. Натияжада ҳар бир фуқаро учун судда ўз фикрини ва айбсизлигини исботлашга кенгроқ имконият пайдо бўлади.

Шу билан бирга, одил судловни амалга ошириш борасида бир қатор янги ўзгаришлар амалга оширилди. Хусусан, прокурорнинг судда иш кўрилиши жараёнида иштирок этиш тартиби илгор халқаро стандартларга мослаштирилди.

Жумладан, прокурор суд жараёнида айбобдан воз кечган тақдирда, реабилитация асосларида қўра жиноят иши тугатилди. Прокурор томонидан тарафлар мурожаати мавжуд бўлган ҳолдагина, суддан ишни ўрганиш учун чакрилиб олиниши мумкин.

Шунингдек, прокурорнинг фуқаролик ва иқтисодий ишларнинг кўрилишида ўз

ташаббуси билан иштирок этишини чегаралаш назарда тутилган.

Ортиқча суд босқичларини бекор қилиш орқали суд тизимига "бир суд — бир инстанция" тамойили жорий этилди. Хусусан, суд ишларини назорат тартибиди кўриш институти тугатилади. Бу ҳам соҳа ривожиди муҳим аҳамиятга эга.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Инвесторларнинг манфаатини ҳимоя қилиш, юртимизда кенг ишбилармонлик муҳити яратилишини кафолатлаш мақсадида Олий суд тузилмасида инвестициявий низоларни ва рақобатга одил ишларни кўриш бўйича алоҳида судлов таркиби ташкил қилинапти.

Суд тизими шафдофлигини тўла таъминлаш, судларда коррупциянинг олдини олиш мақсадида судьялар ва суд аппарати ходимларининг моддий таъминоти 2021 йил 1 январдан бошлаб тўлиқ Давлат бюджетига ўтказилиши ва уларнинг иш ҳақи оширилиши белги-ланди.

Бу судья ва суд аппарати ходимлари



Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ («Халқ сўзи»)

учун юксак шараф бўлиши билан бирга, жуда катта масъулият ҳам юклайди.

Қисқаси, Фармон ижроси суд ҳимоясини таъминлашдаги ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, суд қарорларини қайта кўришнинг бир-бирини тақорловчи босқичларни бекор қилиш, инвесторлар ҳуқуқларининг ишончли суд ҳимоясида бўлишини таъминлаш, шунингдек, суд органларининг амалдаги тузиллишини замон талаблари ва халқаро стандартларга мувофиқлаштиришга хизмат қилади.

**Фаррух МУРОДОВ,**  
**Пешку туманлароқ иқтисодий судининг судьяси.**



ҳамда ҳудудлардаги оилавий поликлиникалар ва кишлоқ врачлик пунктларига қўшимча мобил телефонлар берилди.

Саломатлигингиз ёмонлашганда тез тиббий ёрдамга ёки яшаш манзилингиз бўйича ҳудудий поликлиникага мурожаат қилишингиз мумкин.

Саволларга Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси бошлиғи Нурмат ОТАБЕКОВ жавоб берди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги жамоаси вазири ўринбосари **Ёрқан Эргашевич ТУРСУНОВНИНГ** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чукўр таъзия изхор этади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва Касаба уюшма қўмитаси университетнинг Молиявий таҳлил ва аудит кафедраси доценти

**Эркинбой ЭРГАШЕВНИНГ** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чукўр таъзия изхор қилади.

